100 китоб тўплами

ҚОВОҚ ЕТИШТИРИШ

9-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 634.8.032:635.621
КБК 42.347
Қ 52

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар:
С.А. Юнусов – Тошкент давлат аграр университети Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси доценти қ.х.ф.д.

Тақризчилар:
М.Ў. Халимова – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси катта илмий ходими, қ.х.ф.н.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев.

Муҳаррир:
Г.А. Чоршанбиева – Шарқшунослик университети таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси, таржимон.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-6678-5-3

МУНДАРИЖА

Кириш....7
Қовоқнинг хусусиятлари....8
Қовоқнинг морфо-биологик хусусиятлари....9
Тупроқ шароити....15
Нав намуналари....16
Ерни экишга тайёрлаш....18
Экиш муддати ва усули....18
Ўғитлаш....19
Парваришлаш....19
Касаллик ва зараркунандалари, уларга қарши курашиш....21
Ҳосилдорлик....23
Сақланиши....25
Маҳсулотнинг қиймати ва баҳоланиши....26
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати....27

КИРИШ

Қовоқдош экинлар озиқли ва таъм сифати юқори бўлганлигидан қадимда Ўрта Осиё ҳалқларининг энг муҳим ва севимли маҳсулоти бўлиб келган. Сабзавотлар инсон организмини карбон сувлар, оқсиллар ва ёғлар билан тўйинтиришда қўшимча манба ҳисобланади. Энг кўп истеъмол қилинадиган сабзавотларнинг озуқалик қуввати 150-400 к/ккал ни ташкил этади. Улар ўз таркибида кўп миқдорда биологик актив моддалар: витаминлар, тузлар, пектин моддалари, ферментлар, органик кислоталар, эфир мойлари, хушбўй ҳид берувчи моддаларни сақлайди, шунинг учун улар шифобахшлик ҳамда юқори мазага эгадир.

Республикамизда ҳозирги кунда қовоқдош экинларини етиштиришда янги технологияларни қўллаш, экин майдонларини кенгайтириш ва юқори ҳосил олиш кўзда тутилган. Фермер хўжаликлари, кластерлар ва аҳоли томорқа хўжаликларида дала маданиятига эътибор бериш, дала майдони четларидан унумли фойдаланишда қовоқ экинини етиштириш ҳамда маҳсулот экспортини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Халқимизнинг соғлом турмуш тарзини яратишда қовоқ маҳсулотининг ўзига хос ўрни бўлиб, у шифобахшлиги, витаминларга бойлиги билан қадимдан маълум. Ушбу экинни етиштиришда, юқори ҳосил олиш ва иқтисодий самарага эришишда қўлланманинг фойдаси бўлади, деган умиддамиз.

ҚОВОҚНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Полиз экинлари мевасидан истеъмолда янгилигича ва саноатда қайта ишлаш учун хомашё сифатида, чорвачиликда ширали озуқа сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари, уларнинг даволашдаги аҳамияти қадимдан халқ табобатида маълум. Қовоқ меваси эти таркибида осон ҳазм бўладиган қанд бўлиб, у буйрак, жигар ва юрак-қон-томир касалликларини даволашда ишлатилади. Қовоқнинг эти яллиғланишга қарши, уруғ қайнатмаси гижжани ҳайдаб чиқарувчи восита сифатида ҳам ишлатилади.

Қовоқ мевасининг таркибида қуруқ модда – 26,8% гача бўлиб, қанд миқдори эса – 13,8% гача бўлади. Бундан ташқари ҳар хил витаминлар (B_1 – тиамин, B_2 – рибофлавин, РР – никотин кислотаси), кул элементлари ва органик кислота (олма, қаҳрабо, лимон ва бошқа)лар учрайди. Қовоқ уруғининг таркибида 50% гача мой бўлиб, пўсти юмшоқ силлиқ уруғли навлари экилганда гектаридан 600-700 кг мой олиш мумкин. Қовоқни ем-хашак сифатида, қиш бўйи яхши сақланадиган хашаки навлари ширали озуқа сифатида чорва молларига берилади.

Йирик мевали қовоқ

Ўзбекистонда кам миқдорда экилса ҳам қовоқнинг баъзи турлари – идишқовоқ, носқовоқ, чилимқовоқ, тошқовоқ сингари пўсти қаттиқ навлари мевасидан идиш, нос идиш, чилим, турли хил ўйинчоқлар ва люффа (қозон ювғич)дан ҳар хил рўзғор мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Кам тарқалган қовоқ турлари

ҚОВОҚНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қовоқ 4 та кенжа туркум ва 25 турни ўз ичига оладиган Cucurbita L. туркумига киради. Ўзбекистонда экиладиган қовоқлар морфологик ва хўжалик-биологик белгиларига эга бўлган 3 та турга киради:

1. Қаттиқ пўстли ёки оддий қовоқ – C. Pepo L.
2. Йирик мевали қовоқ – C. maxima Duch.
3. Мускат қовоқ – C. moschata Duch.

Турли хил қовоқ навлари

Республикамиз фермер хўжаликлари ва шахсий томорқаларда қовоқнинг 140 дан ортиқ нав намуналари учрайди, булардан мускат қовоқлари 40-45% ни, йирик мевали қовоқлар 30-35% ни ва қаттиқ пўстли қовоқлар 25-30% ни ташкил этади.

Қовоқнинг маҳаллий нав намуналари

Қовоқ илдизлари кучли ривожланган бўлиб, асосий илдизлари 2 м гача чуқурликка кириб боради, ён илдизлари тарқалиш радиуси 2-5 м гача, умумий узунлиги бир туп қовоқда 171,5 метргача етади. Қовоқ барглари йирик, бандлари узун бўлиб, тур ва навларига қараб шакли, ранги ва тукланиши ҳар хил бўлади. Бир туп қовоқнинг барг юзаси 30-32 $м^2$ га етиши мумкин.

3-расм. Қовоқнинг пояси ва барги

Гули айрим жинсли бўлади, баъзи ҳолларда икки жинсли гуллар ҳам учраб, улар мева бермайди. Гуллари четдан чангланувчи, яъни асалари, шамол ва бошқа ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Шоналарнинг пайдо бўлиши

Гулларнинг очилиши

Гулларнинг чангланиши

Қовоқ меваларининг шаклланиши

Қовоқ етиштиришда кўпчилик дехқонларнинг энг кўп берадиган саволи ёки муаммоси бу – қовоқ гуллаш даврида гуллашига қарамай, нима учун мева тугмаётганлиги ҳақида бўлади. Бунинг сабаби қовоқнинг эркак гуллари урғочи гуллардан олдинроқ очилиши, яъни чангланмай қолиши билан боғлиқдир. Бироқ, бошқа муаммолар сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Булардан:

- чангланиш давридаги ҳароратнинг юқори даражада бўлиши;
- чанглатувчи арилар ва бошқа ҳашаротларнинг камлиги;
- зарарли ҳашаротларга қарши воситаларнинг нотўғри ишлатилиши.

Қовоқ меваси – кўп уруғли сохта-резавор мева, яъни қовоқча бўлиб, уларнинг оғирлиги бир неча 10 г дан 80 кг гача бўлади.

5-расм. Қовоқ меваси ва уруғи

Қовоқ иссиқ ва илиқ иқлимда яхши ўсади. Салқин ҳавода ўзгаради, ҳарорат 0-1 ^{0}C бўлса, ўсимлик нобуд бўлади. Уруғи тупроқ ҳарорати 10-12 ^{0}C бўлганда уна бошлайди. Мақбул ҳарорат 18-25 ^{0}C ни ташкил этади. Қовоқнинг гуллаши ва мева тугиши даврида талаб қилинадиган ҳарорат 28-32 градусни ташкил қилади. Ҳарорат 12-15 ^{0}C гача пасайса, гули тўкилиб кетади, ўсишдан тўхтайди ва секин-аста қуриб қолади. У қурғоқчиликка чидамли. Уларнинг ушбу хусусияти фақат сувнинг кам сарфлашига эмас, балки бақувват илдизлари орқали тупроқдан ўзлаштириб олаётган сув миқдорига ҳам боғлиқ.

ТУПРОҚ ШАРОИТИ

Қовоқ тупроқ танламайди, ернинг рельефига талабчан эмас, қурғоқчиликка, шўрга чидамли, суғорилмайдиган лалми шароитда ҳам ўстириш мумкин. Бўз, ўтлоқ тупроқлар ва янгидан ўзлаштирилган ерлар, нордонлиги pH 6,5-7,5 га тенг бўлган тупроқларда яхши ўсади. Тупроқ нисбий намлиги 80% дан кам бўлмаслиги керак. Далага илк маротаба экин

экишдан олдин имкон қадар тупроқ таҳлили ўтказилса яхши бўлади. Қовоқ экиладиган ерга 3 йил давомида кетма-кет экилиши мақсадга мувофиқ эмас. Қовоқ органик ўғитларга талабчан. Лекин жуда кўп миқдорда бериш, айниқса, янги, чиримаган ўғит ривожланишни секинлаштиради, касалликларга чидамлилигини камайтиради ва мевасининг сифати бузилади.

НАВ НАМУНАЛАРИ

Республикамизда қовоқнинг 2020 йили Давлат реестирига киритилган навларининг тавсифи қуйидаги жадвалда келтирилган:

1-жадвал

Турлари	Навлари	Ўсиш даври, кун	Қанд миқдори, %	Мевасининг		
				вазни, кг	шакли	пўст ранги
Йирик мевали қовоқ	Испанская 73	130-140	8-14	4-5	юмалоқ ботиқ	кулранг яшил
Мускат қовоқ	Палов каду 268	110-120	5-5,4	5-6	узунчоқ юмалоқ	оч жигарранг
	Кашкарская 1644	100-120	5-5,6	5-20	узун	сабзи ранг
Қаттиқ пўстли қовоқ	Стофунтовая	80-100	5-5,4	4-6	тухумсимон	сарғиш яшил йўлли
	Ширинтой	135	5-5,5	2,5	узун	тўқ сариқ
	Нон кади	100-110	5-5,4	4-5	узун	оч сариқ
	Баҳодир	120-125		3-5	тухумсимон	тўқ сариқ
	Ферро F_1	100-110	5-5,2	3-4	юмалоқ	тўқ сариқ

Испанская 73 нави

Кашкарская 1644 нави

Ширинтой нави. Ферро F_1 дурагайи

ЕРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Қовоқ органик моддаларга бой бўлган, сув ва ҳавони яхши ўтказадиган шўрланмаган ерларда яхши ўсади. Қовоқ учун энг яхши ўтмишдош экинлар беда, карам, сабзи, маккажўхори ва шоли ҳисобланади.

Ерни экишга таёрлашда ер кузда 28-30 см чуқурликда шудгорланади. Бедапоядан бўшаган ер бўлса, албатта, икки ярусли плуг билан ҳайдалади. Экиш олдидан эса чизелланади, бороналанади ва мола босилади. Сўнг қатор оралари 70 ёки 90 см ли эгатлар олинади.

ЭКИШ МУДДАТИ ВА УСУЛИ

Қовоқ уруғлари экишдан олдин касалликларга қарши ишлов берилиб, 12-24 соат давомида сувда ивитилади. Экиш муддати тупроқ ва иқлим шароитига ҳамда навига қараб апрель ойи ўрталари-май ойи бошларида эртаги ва ёзги навлар май ойи охирида, кузги, қишки навлар июнь бошларида экилиши мақсадга мувофиқ. Экиш кенг пушталаб икки қаторли лентасимон усулда



экилади. Бунда суғориш ариқлари кенглиги 70 ёки 90 см қилиб олинади. Эгатлар оралиғи фойдаланадиган трактор ғилдираклари оралиғининг кенглигига боғлиқ. Бу усулда қовоқ $\frac{280+90}{2}$ х 70 см ёки $\frac{360+70}{2}$ х 60 см ли экиш схемаларида экилади. Бунинг учун ҳар бир уяга

4-5 та донадан уруғ ташланиб, ҳар гектарига 3-5 кг меъёрда уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 4-6 см ни ташкил этади.

Қовоқ уруғлари

ЎҒИТЛАШ

Қовоқ етиштиришда эскидан фойдаланиб келинаётган ерларга гектарига 20-40 тонна чириган гўнг солиш зарур. Бўз тупроқли ерларда ўстирилса, гектарига таъсир этувчи модда ҳисобида N-100-150, P_2O_5-100-150, K_2O-50-60 кг ҳисобида; ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда N-100-120, P_2O_5-100-120, K_2O-50-60 кг ҳисобида солинади. Янги ўзлаштирилган ерларга ва бедапоядан бўшаган ерларга биринчи йили қовоқ экилганда азотли ўғитлар берилмайди, фосфор эса гектарига 100-150, калий 50-60 кг солиш тавсия этилади.

ПАРВАРИШЛАШ

Қовоқни парваришлаш қатқалоққа қарши кураш ва кўчат хатосини қайта экишдан бошланади. Ниҳолларни икки марта ягана қилинади, бунда биринчиси 1-2 чинбарг ҳосил қилганда, ҳар уяда 2-3 та ўсимлик қолдириб, иккинчиси 3-4

чинбарглари пайдо бўлганда, ҳар бир уяда 1-2 та ўсимлик қолдирилади.

Қовоқ ниҳолларининг униб чиқиши ва яганадан кейинги ҳолати

Ўсимликка биринчи яганадан сўнг комплекс ишлов берилади, суғорилади, қатор ораси ва пушта культивация қилинади ва чопилади. Ўсимлик 3-4 чинбаргли бўлганда иккинчи комплекс ишланади ва озиқлантирилади.

Қовоқ ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб 3-4 дан 6-7 мартагача суғорилади. Ўсиш даврида биринчи ва иккинчи чопиқдан сўнг бир марта, сўнг мева пишишигача ҳар 10-14 кунда, мева пишиш даврида эса ҳар 15-20 кунда суғориб турилади. Суғоришда ҳар гектарига 600-700 $м^3$ сув сарфланади.

Қовоқни суғориш

Қовоқ экилган далада 2-3 марта ўсимлик палаклари пуштага тўғрилаб чиқилади, 2-3 марта бегона ўтлардан тозаланади ҳамда меваларнинг жойлашиш ҳолати ўзгартирилади, яъни сувга ёки захда қолиб кетмаслиги керак.

Қовоқнинг палаги, чирмашувчи жингалаклари ва гуллари

Қовоқни озиқлантиргандан сўнг ривожланиши

КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАР, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Қовоқ ўсимлиги кузги тунлам, ўргимчаккана, полиз шираси, полиз қўнғизи (хакана), фузариоз сўлиш, ун-шудринг, шумғиядан қаттиқ зарарланади. Уларга қарши курашиш бошқа сабзавот экинлариникига ўхшаш.

Касалликлардан фузароиз сўлишга қарши курашишда агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориш, алмашлаб экишни йўлга қўйиш ва уруғларни экишдан аввал фунгицидлар билан ишлов берилса, яхши натижа беради.

Фузариоз сўлиш касаллигининг зарари

Ун-шудринг касаллигининг олдини олиш учун дала майдонига гектарига 20-25 кг олтингугурт кукунини сепиш, агар касаллик кучайса, Топаз ва Тилт препаратларини қўллаш керак бўлади.

Ун-шудринг касаллиги зарари

Сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши олтингугуртли препаратлар, Омайт, Пилигрим (0,2 л/га), Вертимек (0,2-0,3 л/га), Пликтрон (2-3 кг), Римон Стар (0,15 л/га), Фуфанон (0,4-1,0 л/га), 10% ли Талстар (0,3-0,5 л), 25 Циракс (0,25-0,30 л/га), Каратэ (0,2-0,4 л/га)ни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

ҲОСИЛДОРЛИК

Қовоқ ўсимлигининг ҳосилини йиғиб олиш, мевалари пишиш даражасига кўра белгиланади. Бунда нав намуналарининг белгиларига хос бўлган, яъни меваси пўстининг ранги, шакли ва ўзига хос хусусиятларига қараб йиғиб олинади. Одатда ҳосил йиғим-терими сентябрь ойининг иккинчи ярмидан ноябрь ойи бошларига қадар давом этади.

Ҳосилнинг навга хос рангга кириши

Қовоқ ҳосили ҳар 8-10 кунда бир, жами 3-4 марта терилади. Ҳар бир гектаридан олинган ҳосил навларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, 25 тоннадан 55 тоннагачани ташкил этади. Масалан, Ширинтой нави 20-27 т/га, Испанская 73 нави 20-30 т/га, Палов каду 268 35-50 т/га, Кашкарская 1644 эса 40-55 т/га ни ташкил этиши мумкин. Йиғим-терим пайтида қовоқ мевасини поядан ажратиб олишда эҳтиётқорлик билан зарар етказмасдан олиниши керак. Мевалар пўстлоғининг зарарланиши чидамлиликни камайтиради. Омборларда узоқ турмасдан чириб кетишига сабаб бўлади.

Қовоқ ҳосилининг пишиб етилиши

САҚЛАНИШИ

Қовоқни сақлаш учун қуруқ ва салқин омборлар танланади. Қуёш нури тўғри тушиб турадиган омборлар қовоқ пўстлоғининг шикастланишига олиб келади. Меваларни омборларга жойлашдан олдин омбор яхшилаб тозаланиши, касаллик ва зараркунандалардан ҳоли қилиниши шарт. Сақлаш мобайнида кўп уймаслик, катта-кичиклигига қараб жойлаш лозим.

Қовоқ меваларини узоқ сақлаш учун ўрта йирикликдаги мевалари шикастлантирмай йиғиб олиниб, махсус хоналарда сўриларга қўйиб ёки сомон-похоллар тўшаб уларнинг устида сақланади. Кузда қаттиқ совуқлардан олдин ҳосилни йиғиб олиш шарт. Сифатли даражада сақлаш учун мевалар пўстлоғи яхшигина қаттиқ бўлиши лозим. Сақлаш учун энг мақбул ҳарорат 8-10 даража ва ҳавонинг нисбий намлиги 50-70 фоизни ташкил этади. Қовоқни сақлаш муддати 11 ойгача давом этиши мумкин.

Яхши сақланган қовоқ навлари мевалари

МАҲСУЛОТНИНГ ҚИЙМАТИ ВА БАҲОЛАНИШИ

Қовоқ меваси қандолатчиликда торт, ширинлик, мураббо ва ҳар хил пиширикдар тайёрлашда ишлатилиши билан бирга уруғи ҳам писта сифатида истеъмол қилиниши, шунингдек, ёғидан ҳам турли мақсадларда фойдаланилиши аҳамиятга моликдир. Асосийси, унинг ёғини юқори озуқавий қийматга эга эканлиги унинг қадрини янада оширади.

Меваси ва уруғи дори-дармон саноатида ҳам кенг миқёсда ишлатилиб келинади, простатит бези касалликлари, буйрак хасталикларида, холестерин камайтирувчи восита сифатида, А ва Е витаминлари етишмовчилигида, юрак ва қон айланиш тизими фаолияти бузилганида, ҳазм қилиш тизими ва ичак фаолияти ноқислигида кўлловчи жуда катта қийматга эга ўсимликдир. Ҳозирги кунда эса ундан косметик восита сифатида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Юқори технология асосида етиштирилган сифатли қовоқ маҳсулоти даромад манбаи бўлмоқда. Дори-дармон саноатида яна ҳам кўп тармоқларда ишлатилиши тарғиб этилаётгани сабабли, бозор талаби янада ортмоқда. Унга сарфланадиган сув, ўғит ва бошқа харажатларнинг ҳам камлиги унинг даромадбоп эканлигидан дарак беради. Маҳсулотнинг узоқ муддат сақланиши ҳам унинг ўзига хос даромад манбаи эканлигини исботлайди, бозорда рақобатни оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестри. Тошкент : 2020. – 59 б.
2. Зуев В., Абдуллаев А. Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси. – Тошкент : Ўзбекистон, 1997. б. 116-132.
3. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги” ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китобдан” иборат тўплами.
4. Остонақулов Т. Э., Зуев В. И., Қодирхўжаев О. Мевачилик ва сабзавотчилик (Сабзавотчилик): Наврўз. – Тошкент : 2018. – б. 360-380.
5. Ҳакимов Р., Ҳакимов А., Тошмуҳаммедов А. Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги: Тошкент Ислом университети. – Тошкент : 2003. – б. 76-81.

42.347
Қ 52
Қовоқ етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 32 б.

ISBN 978-9943-6678-5-3

УЎК 634.8.032:635.621
КБК 42.347

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ҚОВОҚ ЕТИШТИРИШ

9-китоб

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
А. Умарова

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:
Д. Иванов

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.